
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎМОН ВА ҚУВАЙТДАГИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров видеоалоқа орқали Ўзбекистоннинг Ўмондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Абдусалом Хатамов ҳамда Ўзбекистоннинг Қувайтдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аюбхон Юнусов билан мулоқот ўтказди.

Жорий йил февраль ойида тайинланган янги элчилар билан ўтган мулоқотлар давомида Фарғона вилояти ва Ўмон ҳамда Қувайт давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, ҳудудлараро муносабатларни янада ривожлантириш, амалга ошириш режалаштирилган инвестицион лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-04-01 20:37:58